



BUYRUQ

Toshkent shahri

№ 112 « 21 » июнь 2021 yil

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
2021 йил 28 майдаги СҚ-297-IV-сон
қарори ижросини таъминлаш
хақида

Соҳада хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар яратиш, жамият ва давлат ишларини бошқарувида уларнинг тенг иштирокини таъминлаш ҳамда хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг “2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикаси гендер тенгликка эришиши стратегиясини тасдиқлаш ҳақида” 2021 йил 28 майдаги СҚ-297-IV-сон қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Қарор билан:

2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикаси гендер тенгликка эришиш стратегияси;

2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикаси гендер тенгликка эришиш стратегиясини 2021-2022 йилларда амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури;

2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикаси гендер тенгликка эришиш стратегиясининг мақсадли кўрсаткичлари тасдиқлангани маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қуйидагилар:

2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини 2021-2022 йилларда амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурининг амалга оширилиши юзасидан назорат режаси 1-иловага;

Автомобиль йўллари қўмитасининг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича Маслаҳат хайъати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.


4. Автомобиль йўллари кўмитасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларнинг таъминланиши учун раис ўринбосари Ж.Турсунов масъул этиб белгилансин.

5. Маслаҳат ҳайъати масъул ижрочилар билан биргаликда Назорат режасида белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли ижро этилишини таъминлаб борсин.

6. Умумий бўлим (М.Абдураимов) мазкур буйруқни масъул ижрочилар, марказий аппарат ва барча таркибий тузилмаларга ижро учун етказсин.

7. Мазкур буйруқ ижросини ўрнатилган тартибда назорати раис ўринбосари Ж.Турсунов зиммасига юклатилсин.

Кўмита раиси



А.Абдувалиев

Автомобиль йўллари кўмитасининг
2021 йил "21" ИЮН даги
112 -сон буйруғига
2-илова

**Автомобиль йўллари кўмитасининг хотин-қизлар
ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш
масалалари бўйича Маслаҳат ҳайъати
ТАРКИБИ**

- | | | |
|---------------|---|---|
| Ж.Турсунов | - | Раис ўринбосари, ҳайъат раиси |
| М.Азимова | - | Кадрлар бўлими бошлиғи, ҳайъат
раиси ўринбосари |
| Х.Турдикулов | - | Матбуот хизмати – раиснинг
матбуот котиби - |
| Д.Мусаев | - | Автомобиль йўллари
кўмитасининг касаба уюшмаси
кўмитаси раиси |
| Ш.Ирматова | - | Фуқаролик ташаббусларини
қўллаб қувватлаш маркази
директори ўринбосари
(қелишув асосида) |
| Л.Хамроева | - | Ўзбекистон транспорт, йўл ва
капитал қурилиш, қурилиш
индустрияси ходимлари касаба
уюшмаси Республика Кенгаши
бош мутахассиси (қелишув асосида) |
| Н.Маткасимова | - | Кадрлар бўлими бош мутахассиси,
ҳайъат котиби |

Изоҳ: Ҳайъат аъзоларидан бири бошқа ишга ўтган тақдирда ушбу лавозимга янгидан ўтган ходимлар ёхуд зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган ходимлар ҳайъат аъзоси ҳисобланади.